

**“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг 7-сон
ҚАРОРИ**

2021 йил 18 август

Тошкент шаҳри

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябридаги ПФ-6096-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги 170-сон “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан:

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг ягона акциядорнинг 2021 йил 21 майдаги 4-сон қарорига биноан “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг ташкилий тузилмаси янги таҳрирда тасдиқланган.

Бунда, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил 13 августдаги 2-сон йиғилиш Баённомасига асосан шунингдек, ташкилий тузилмага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш зарурати мавжуд бўлганлигини инобатга олган ҳолда “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг бошқарув раиси - бош директор К.С.Санакулов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири**



Т. Ишметов

